**Электрон рақамли имзо сертификатини e-imzo.uz орқали масофадан туриб олиш давлат хизматидан фойдаланиш**

# ҚЎЛЛАНМА

Республика махсус комиссиясининг жорий йилнинг 18 апрель куни эълон қилинган қарори асосида карантин тугагунга қадар, истисно тариқасида, электрон рақамли имзо калити ва сертификатини масофадан туриб бериш имконияти жорий этилди.

Давлат хизматидан фойдаланиш учун Рўйхатга ўтиш марказининг расмий сайтига https://e-imzo.uz/ ҳавола орқали ўтиш керак бўлади. Мазкур имконият юридик ва жисмоний шахслар томонидан электрон сўровномани тўлдириш билан бошланади.

*Агар компьютерда e-imzo-3_41.exe дастури ўрнатилмаган бўлса, уни расмий сайтдан (http://dls.yt.uz/E-IMZO-v3.41.zip) юклаб олинг.*

Дастлаб расмий сайтнинг бош саҳифасида “ЭРИ калитини олиш” тугмасини босиб, аризани тўлдириш қадамларига ўтилади. Бу ерда юридик ёки жисмоний шахс танланади ва СТИР маълумотлари билан мобил телефон рақами киритилади.

***Мобил телефон рақами ЭРИ ёпиқ калити эгасини номига расмийлаштирилган бўлиши шарт.***

1-Қадам:



Мобил телефон рақамини тасдиқлаш учун СМС хабар орқали сонли код юборилади. Ушбу кодни киритиб, телефон рақамини тасдиқланг.

Сўнгра экранда 2-қадам ойнаси пайдо бўлади. Бу қадамда ЭРИ ёпиқ калити, унинг пароли яратилади. Шу билан бирга сўровномага мурожаат этувчининг паспорт нусхаси ҳамда паспортнинг асосий саҳифаси билан биргаликда селфи усулида олинган фото нусхаси илова қилинади.

***Илова қилинаётган фотосурат нусхада мурожаатчи юз қиёфаси “анфас” шаклда ва тиниқ кўринган ҳамда паспортнинг асосий саҳифаси барча символлари ўқиб бўладиган сифатда бўлиши шарт. Фото ҳажми 5 МБ дан ошмаслиги лозим.***

2-Қадам:




Барча катаклар тўлдирилгандан сўнг, “ЭРИ калитни яратиш ва давом этиш” тугмаси босилади. Формада киритилган паролни эсда сақланг.

Энди ахборот тизими томонидан киритилган маълумотлар асосида электрон сўровнома шакллантирилади. Сўровнома билан танишиб чиқиб, “Сўровни юбориш” тугмаси босилади. Шу билан 3-қадам якунига етади.

3-Қадам:




Юборилган сўровнома Давлат хизматлари маркази ходими томонидан келиб тушган пайтдан 1 иш кун муддатда кўриб чиқилади. Юборилган аризани ҳолатини e-imzo.uz сайтидаги “Аризани топиш” бўлимида кўриш мумкин.

Агар кўриб чиқиш натижаси ижобий бўлса, у ҳолда мурожаат этувчига СМС хабар келади. Шундан сўнг, “Аризани топиш” бўлимига ўтиб, ЭРИ серификатини кўриши ва тасдиқлаши мумкин бўлади. Аризани кўриб чиқиш асослантирилган сабабларга кўра рад этилиши мумкин.




4-Қадам




“Тасдиқлаш” тугмасини босганингиздан сўнг, сиз ЭРИ калити ва сертификатига эга бўласиз ва барча электрон хизматларда фойдаланишингиз мумкин.

Қўшимча саволлар юзасидан колл-центрга 71-2023232 телефон орқали қўнғироқ қилишингиз мумкин.

*Изоҳ: Давлат хизмати учун йиғим жисмоний шахслар учун энг кам иш хақининг 7% ва юридик шахслар учун 10% ни ташкил этади. Тўловни ихтиёрий тўлов тизими орқали ва электрон сўровнома юборишдан аввал амалга ошириш мумкин.*